

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 4 май, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 85 (10.894) Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИНИНГ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШДА СИФАТГА ҚАРАТГАН ЭЪТИБОРИ, АЛБАТТА БОЗОРДАГИ ЎРНИНИ БЕЛГИЛАШДА, ХАРИДОРЛАР САФИ КЕНГАЙИШИДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА. ШУНИНГ БАРОБАРИДА КОРХОНАНИНГ НУФУЗИ ҲАМ ОРТИБ, ИСТИҚБОЛИНИ ЯРАТИШГА ЗАМИН ТУФИЛАДИ.

Кеска сатрларда

● **ЎТГАН** куни Тошкент фармацевтика институтининг ўқувчилари Талабалар илмий жамиятининг йиғилишида дорилуғат соҳасида ривожлантиришни истикболли йўналишлари муҳокама қилинди.

● **МИРЗО** Улугбек туманида мактаб ўқувчилари иштирокида «Ўзбекистон-Ватаним» кўрик-танловининг туман босқичи ғолиблари аниқланди.

● **ЎТГАН** кундан шаҳримизда ҳамшаҳарларимизга мамлакатимиз киноусталари томонидан яратилган фильмларни намойиш этишни режалаштирган «Тоғ Маҳал» кинотеатри ўз фаолиятини бошлади.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги 21-мактабда ўтказилган «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» кўрик-танлови қатнашчилари мусикадан олган билимларини ҳакамлар ҳайвати олдидан намойиш қилишди.

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида Бунтжаҳон саломатлик ташкилоти ташаббуси билан шаҳримизда уюштирилган «Оғохлантир, химоя қил, эмла» шiori доирасидаги ҳафталик тадбирларининг оналар ва болалар саломатлигини асрашдаги аҳамияти борасида фикр алмашилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Миллий кадрлар ва шахс ижтимоий химоясининг шакллантириши» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Ақидонарастлик ва мафкура» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида Шароф Рашидов маҳалласи фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

● **БУГУН** Мирзо Улугбек туманидаги Юнақий спорт мажмуасида туман Халқ таълими бўлими ҳамда туман касабга уюшма кенгаши ҳамкорлигида туман мактабларининг фахрий ўқитувчилари ўртасида «Спорт — биз билан» мавзусида уюштирилган спартакиада мусобақалари 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланди.

● **МИРЗО** Улугбек номидидаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ЕИҲ ва «Камал» болалар ташкилоти ташкил этилганлигининг 6 йиллигига бағишлаб «Биз мустақил юрт фарзандларимиз» шiori доирасида анжуман ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва Ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Иқтисодиёт

ЯНГИ МОДЕЛЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

«Пойабзалчи» акциядорлик жамияти тадбиркорлари ҳам бозор талабларидан келиб чиқиб иш юритар экан, аввало маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда қулай, бежирим, мустаҳкам ва нархи бирмунча арзон пойабзаллар тайёрлашмоқда. Тошкент 2-сон пойабзал фабрикаси негизда 1996 йилда ташкил топган ушбу жамоада махсус оёқ кийимлари ҳамда модели пойабзаллар ишлаб чиқарилади.

— Жамоамизда тажрибали усталар фаолият кўрсатишга тўғри келган бўлиши ҳамда ишлаб чиқарилаётган оёқ кийимларимиз замонавийлиги, мустаҳкамлиги, иқлим шароитимизнинг ҳисобга олинганлиги билан ажралиб туради, — дейди корхона директори ўринбосари Фозил Фуломов. — Албатта, биз соғлом рақобат тарафдоримиз. Шу боис ҳам таъкидлашим лозимки, бозорларимизга турли контрабанда йўли билан сифатсиз пойабзаллар кириб келишига чек қўйилса, бизнинг харидор талаб ва дидини қондиришга имкониятимиз етарли. Йилга 10-15 турдаги янги моделлар яратамиз. Бу борада дизайнер-моделларимизнинг изланишлари катта самара бермоқда. Уларнинг каталоглардан унумли фойдаланишлари натижасида талаблар даражасидаги пойабзал тур-

лари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Шунингдек, янги моделларни яратишда эндиликда Моделлар уйи мутахассислари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Ўз ишининг устаси бўлган касаначи модельер-дизайнерлар меҳнатидан ҳам унумли фойдаланяпмиз. Буларнинг ҳаммаси ички бозорда ўрнимизни топишда, махсуслаштирилган харидорлари кўпайишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаммамиз ҳам оёқ кийимини қиямизу, лекин унинг қандай яратилиши ҳақида тасаввурга эга эмасмиз. Корхона мутасаддиларининг таъкидлашларича, бир жуфт пойабзал тайёрлаш учун 80-90 хил хом ашё зарур бўлар экан. Энди ўзининг қанчалик синчковлигига сабр-тоқат зарурлигини ҳисоблаб кўраверинг. Албатта, ана шу хом ашёларнинг сифати пойабзал кўриниши ва мустаҳкамлигида катта аҳамиятга эгадир.

Корхона пойабзалчилари томонидан ўтган йилда 50 дан ортиқ турдаги янги моделлар яратилиб 650 миллион сўмлик махсулот тайёрланди. Ана шу моделларнинг 6-7 тури махсус оёқ кийимларидир. Шунингдек, эркаклар ва ўсмирлар учун ишлаб чиқарилаётган туфли, этик ва ёғи енгил пойабзаллар корхонанинг фирма дўкони ҳамда

«МУМ» магазини, «Олой» бозори ва «Ўзсаламандра», «Кибо» фирма дўкони орқали харидорларга етказиб берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, махсус оёқ кийимлари тайёрлаш ҳажмининг ошириши ва буюртмалар қабул қилиш мақсадида ҳозирда корхона республика Ички ишлар вазирлиги, Божхона академияси ўтказётган тендерларда янги турдаги пойабзаллари билан қатнашмоқда. Жорий йилда 800 миллион сўмлик махсулот тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, моделлар тури 70 хилга етди. Бунинг учун эса изланишлар давом этмоқда. Албатта, меҳнат унумдорлигини таъминлаш мақсадида цехларда маҳорат кўрсатаётган 86 нафар ишчи-хизматчининг меҳнат қилиши ва дам олиш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, шубҳасиз, ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар сифатида ҳам ўз аксини топади.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: уста пойабзалчи Муҳаммад Каримов ва шогирди Нафиса Йўлдошевдан маслаҳатларини аямайди; тикувчи Озода Камолова.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасида «Бола ҳуқуқларини ижтимоий химоя қилишнинг қонуний асослари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Бахтимиз қомуси» мавзусидаги кўрик-танлов ғолиблари аниқланди.

● Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда «Шўртангаз» кимё мажмуи ташаббуси билан Ғузор туманидаги Ишчилар шаҳарчасида музей ташкил этилди.

● Нукусда Қорақалпоғистон фольклор этнографик ҳаваскор жамоаларининг аънавий танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар босқичида биринчи ўринни эгаллаган жамоалар иштирок этди.

● Чимбой педагогика коллежи учун янги бино қурилиши бошланди. Мазкур билим масканининг қад ростлаши учун 1 миллиард 745 миллион сўм маблағ ажратилди.

● Ҳазорасп туманида иқтидорли ёшларга рессомчилик, хусусан миниатюра жанри сир-асрорларини ўргатиш мақсадида «Мусаввир» ижод уйи ташкил этилди.

● Фарғона санъат коллежида Марғилон шаҳрининг юбилейига бағишланган ёш кўшиқчилар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда катта санъат даргоҳига кириб келаётган 150 дан зиёд ёш хонанда, созанда ва ижодий жамоалар иштирок этди.

● Ғузор тумани марказида хотин-қизларни касбга ўргатиш билан шуғулланганидан «Шоҳсанам» ўкув маркази иш бошлади. Айти пайтда марказнинг 30 дан ортиқ хотин-қизлари буюртмалар асосида аҳолига намунали хизмат кўрсатишмоқда.

● Фарғона туманидаги агросаноат касбхунари коллежида Польшада ишлаб чиқарилган умумий қиймати 50 миллион сўмлик замонавий ўкув-лаборатория жиҳозлари келтирилди.

ЖАҲОНДА

● Франция Президентлиги учун қурашётган икки номзод — Николя Саркози ва Сегелен Руаяль телебаҳс ўтказишди. Улар мамлакатдаги ишсизлик муаммоси, иқтисодиёт, қонунчилик ва табиатни муҳофиза қилиш масалаларида ўзаро фикр алмашдилар.

● Мисрнинг Шарм-аш-Шайх шаҳрида Ироқдаги вазиятни барқарорлаштиришга ва мамлакат иқтисодиётини тиклашга бағишланган халқаро конференция ўз ишини бошлади. Унда Эрон ва Сурия, «Катта саккизлик давлатлари» ҳамда Европа Иттифоқи делегацияси иштирок этаётган.

● Эроннинг Германиядаги собиқ элчиси Хусайн Мусарян мамлакат хавфсизлик ходимлари томонидан қамоққа олинган. У Маҳмуд Аҳмадинежад ҳокимият тепасига келгунга қадар мамлакатнинг ядровий дастури юзасидан Фарб давлатлари билан музокара олиб борган эди. «Би-Би-Си» хабарида Хусайннинг нима сабабдан ҳибсга олингани айтилмаган.

● Исроил Ташқи ишлар вазири Цими Ливни хоним мамлакат Бош вазири Эхуд Ольмертнинг истеъфосини бир мuddатга орта суришга қақирмоқда. Унинг сўзларига кўра Ольмерт ўз лавозимини ўтган йил ёз ойида Ливанда кечган жанглар ҳисоботи билан баён қилинган, тарк этиши лозим.

● Венгриянинг охириги коммунист раҳбари қабри ўғирлаб кетилди. Полиция хабарларига кўра собиқ раҳбар Янош Кадар ва унинг рафиқаси қабри ўтган куни тунда номаълум кимсалар томонидан ўғирлаб кетилган.

● Руминия парламенти мамлакат худудига Америка ҳарбий базасини жойлаштириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади. Ушбу масалани 285 депутатдан 257 нафари қўллаб-қувватлаб овоз берди. РИА «Новости»нинг хабар беришича, Пентагон Руминияга 3 минг нафар аскар жўнаштиришни режалаштирмоқда.

● Россиядан Эстонияга темир йўл орқали нефть махсулотлари ва кўмир етказиб бериш техник сабабларга кўра тўхтатилди. «Россия темир йўллари» матбуот хизматининг билдиришича, шу йилнинг 1 майдан эътиборан Октябр темир йўл участкасида таъмирлаш ишлари бошланган ва шу муносабат билан поездлар ҳаракати қисқартирилган.

О Б - Ҳ А В О МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 5 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнғин-гарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-16, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОИДА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» ИККИНЧИ МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этиш жараёнининг изчил амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти бўлмиш матбуот, телевидение, радио, электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда юртимизда мингга яқин газета ва журнал, кўплаб радио ва телевидение каналлари, агентликлар

ва интернет-нашрлар фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотларнинг тиргилотчишига айланди. Ҳозирги шиддатли даврда оз бераётган воқеалар ҳақидаги ахборотларни аҳолига тезкорлик, аниқлик ва ҳолислик билан етказиш оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юклямоқда.

Кенг қамровли ислохотлардан кўзланган бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдан иборат бўлиб, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, икки йил бурун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистлари қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ташаббуси билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Олтин қалам» Миллий мукофоти жорий этилди. Ўтган йили ана шу мукофот учун илк халқаро танлов бўлиб ўтган ва унинг ғолиблари — Ватанимизнинг иқтидорли, фаол журналистлари ҳамда мамлакатимиз ҳаётини ҳолис ва ҳаққоний ёритган

хорижлик қаламкашлар муносиб тақдирланган эди.

Жорий йилнинг бошида «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун навбатдаги халқаро танлов эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки бу йил танлов кўлами янада кенгайди — асосий йўналишлар, рағбатлантирувчи номинациялар ва ютуқли ўринлар, ғолибларга бериладиган пул мукофотлари миқдори анча ортди. Бу галги танлов иштирокчилари сони ҳам ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўп, унда мамлакатимизнинг турли худудларидан 376 журналист 5 мингга яқин ижодий иши билан иштирок этди.

Биринчи марта энг яхши журналистик асар учун бош миллий мукофот таъсис этилди. Ушбу номинацияда ғолибликни кўлга киритган «Қашқадарё» газетаси тахририяти — бош муҳаррири Нарзулла Равшанов — махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорда пул мукофотига сазовор бўлди.

Танловнинг асосий тўрт йўналишлари бўйича совриндорлар ҳам пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТДАГИ ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ МЕҲМОНХОНАСИДА «СПОРТ ОЛАМИ — 2007» ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО СПОРТ КЎРГАЗМАСИ

Кўрғазма Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «LEG UZBEKISTAN» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистоннинг йигирмадан ортиқ компанияси ҳамда Россия, Беларусия, Покистон, Бангладеш, Нидерландия компаниялари ўз махсулотлари билан иштирок этмоқда.

Халқаро кўрғазмада спорт тренажёрлари, футбол, теннис ва баскетбол майдонлари учун сунъий қопламлар каби 50 дан ортиқ спорт анжомлари намойиш этилмоқда. Кўрғазманинг бош ҳомиёси бўлган Ҳисоблаш техникасини таъмирлаш жамоат корхонаси ҳам замонавий махсулотлари билан иштирок этмоқда.

— Корхона 1974 йил ташкил топган, — дейди 150 нафар раҳбари ўринбосари Ғайбулла Расулов. — 1950 дан ортиқ ишчилар меҳнат қилаётган корхона махсулотлари касб-хунари коллежлари, ўрта таълим мактаблари ҳамда турли спорт клубларига етказиб бериляпти. Бугунги кўрғазмада иштирок этишдан асосий мақсад хорижлик ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда корхонанинг экспорт салоҳиятини оширишдан иборат.


Кўрғазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар бу каби тадбирлар мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш ва болалар спортини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлашди.

«Туркистон-пресс»

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

ЭХТИРОМ

ХОТИРА — МУҚАДДАС, ТИРИКЛАРНИ ҚАДРЛАШ САВОБ. БИНОБАРИН, ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАНИ ТАЪМИНЛАШДА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ КЎРСАТГАН ЖАСОРАТИ, ФРОНТ ОРТИДА МЕҲНАТ ҚИЛИБ РИЗКУ-НАСИБАСИНИ ЎЗГАЛАР БИЛАН БАҲАМ КЎРГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗ МАТОНАТИ ВА ФИДОЙИЛИКЛАРИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТЛИМАЙДИ.



Бу кутлуг санага бағишлаб мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларида, шаҳару қишлоқлари қатори Тошкентимизнинг барча-барча худудларида иккинчи жаҳон урушида ғалаба қилган кўрсатилган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунаси.

қароси Эргаш ота Валихонов. — Бугун сафларимизда бўлган, уруш даҳшатларини бошидан кечирган кексаларнинг ҳар бири ўша қора кунларнинг жонли гувоҳи, улар орасидан ўтганларнинг ўчмас хотиралари эса бизни бу кутлуг кунларнинг қадрига етишга, мустақиллигимиз абадий бўлиши учун доимо ҳушёр туришимизга ундаб туради.

Халқимизда «Инсон ғанимат» деган ҳикматли гап бор. Афсуски сафдошларимиз сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Шунинг назарда тутиб ҳукуматимиз томонидан биз фахрийларни авайлаб-эъзозлаш, умримизни узайтириш, ҳар томонлама мазмунли ҳаёт кечиршимиз учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Энг муҳими шу тариқа ёшларимиз онгу-шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар мустаҳкамланмоқда. Юртбошимизнинг биз уруш фахрийлари, ноғиронлари ва кексаларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан бениҳоя чексиз миннатдоримиз. Бу йилги Хотира ва Қадрлаш куни Ижтимоий ҳимоя йилга тўғри келганлиги билан ҳам унинг аҳамиятини янада оширмоқда.

Максуд ОРИПОВ

Халқаро кўргазма

ИПАК ЙЎЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ АФИНАДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Афинада «Сайёҳлик манзаралари» деб номланган 12-халқаро сайёҳлик кўргазмаси ниҳоятда етди. Мазкур нуфузли сайёҳлик анжуманида иштирок этиш учун Греция пойтахтига жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидан 430 дан ортиқ сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари келишди.

Тўрт кун давом этган бу кўргазма билан 35 минг нафардан зиёд киши танишди. Ўзбек халқ амалии санъати намуналари, шунингдек, мамлакатимизнинг тарихи ва бугунги куни, миллий маданият ва анъаналаримиз,

юртимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилган ютуқларга бағишланган видео ҳамда босма ахборот материаллари, диверимиздаги энг оммалов сайёҳлик йўналишлари намойиш этилган. Ўзбекистон павильони кўргазма меҳмонларидан катта қизиқиш уйғотди. У «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва мамлакатимизнинг Грециядаги бош консуллиги билан ҳамкорликда тайёрланди.

Ўзбекистон экспозициясини томоша қилишга келган меҳмонлар эътиборига миллий рақс ва фольклор гуруҳларининг чиқишлари ҳавола этилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ичимликлар ҳамда миллий таомларимиз меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон вакилларининг «Сайёҳлик манзаралари»даги иштироки туфайли Греция аҳолиси юртимиз билан ақиндан танишган баробарида Буюк Ипак йўлининг бетақдор сайёҳлик йўналишлари ҳақида ҳам атрафлича маълумот олиш имконига эга бўлди.

«Жаҳон» АА Афина

Тақдимот

ҲАЁТИМИЗНИ КИНО, ТЕАТРСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН. ЧУНКИ КИНО ВА ТЕАТР ТОМОШАЛАРИ ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ САНАЛАДИ.

КИНО МУҲЛИСЛАРИГА ТУҲФА

Мамлакатимизда фаолият юритаётган театр ва кинотеатрлар қизиқарли ва мазмунли сахна асарлари, юксак бадиий-ғоявий фильмларни намойиш этиб, санъатсевар халқимизнинг маънавиятини бойитишда, маданий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2004 йил 17 мартдаги «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида қайд этилганидек, кино санъатининг миллий маданиятини ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда бу соҳани умумбаъшарий ва миллий қадриятлар уйғунлиги асосида тарққий эътиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Айтиш жоизки, бугунги кунда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилиб, тадбиркорлар томонидан кўплаб замонавий уй-жой бинолари, шифохоналар бунёд этилмоқда.

Кунинча Фармонда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида замонавий тарзда қайта таъмирдан чиқарилган «Фунча» кинотеатрининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда таниқли кино режиссёрлар, актёрлар, санъатшунослар ва кино шинавандалари қатнашди. Маросимда Ўзбекистон халқ артисти, таниқли кино режиссёр Шухрат Аббосов, «Ўзбекино» Миллий агентлиги бош директори Аъзам Исахонов ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимизда кечаётган туб ислохотлар, «Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан яратилган кўплаб янгидан янги фильмлар кино муҳлислар эътиборини қозонаётганлиги, булар алаҳта ёшларнинг маънавияти-маданиятини бойитишда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлишини, шунингдек, ушбу кинотеатрнинг очилиши маданий ҳаётимизда катта



қувончли воқеа бўлганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтишди. Келгусида «Фунча» кинотеатри ўз номига яраша аввало болажонларимизнинг бунда вақтларини мазмунли ўтказишлари учун, уларнинг маънавиятини юксалтирадиган болажонлар фильмлар намойиш этишини қайд этишди.

Мазкур кинотеатр шахримизда хусусий тадбиркорлар томонидан замонавий усулда қайта таъмирланиб кино муҳлисларга ўз эшикларини очган илк кинотеатр бўлди.

Кинотеатр халқимизнинг маданий дам олиб, хордиқ чиқарадиган, маънавий ва маданият масканни ҳисобланади, — дейди «Фунча» кинотеатри раҳбари Анвар Тожиев. — Ушбу маскан 1976 йилда ташкил топган бўлиб, кейинги йилларда қаровисиз ҳолга тушиб қолганди. Бино «Ўзбекино» Миллий агентлиги билан ҳамкорликда замонавий, ҳар томонлама жаҳон андозлари талаблари даражасида қайта таъмирланди. 300 ўринга мўлжалланган кинозалга Италиядан чиройли ўриндиқлар, замонавий усуналар келтириб ўрнатилди. Шунингдек, бу ерда томошабинлар учун қаҳвахона, компьютерхона, кино-видео кассетлар савдо дўкони хизмат кўрсатади.

Кино масканида булардан ташқари турли тадбирлар, таниқли кино актёрлари, режиссёрлар билан учрашувлар ўтказиш режалаштирилган. Мақсадиимиз халқимизни кейинги вақтларда кино усталари томонидан суратга олинадиган ўзбек киноси санъатидан баҳраманд этиш, қизиқарли, ҳаётий воқеаларга бой фильмлар билан таништириш, ёшларнинг маданий ва маънавиятини юксалтиришдан иборат.

Тақдимот сўнгида кино экранида қатнашчилар учун «Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан суратга олинган «Ватан» номли бадиий фильм намойиш этилди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Фунча» кинотеатрининг тақдимот маросимидан лавҳа. Наталья Семёнова олган сурат

СУВ — ОБИҲАЁТ, УНИ ИФЛОСАНТИРМАНГ

Баҳор одамларни ғимирлатиб кўйди. Ҳаммага ўзига яраша иш улашди. Деҳқон далагага югуради, шаҳарликлар шахсий томорқасида экин-тикин ишларини бошлаб юборишди. Албатта, унумли меҳнатдан сўнг, дам олишга ҳам фурсат топилади. Шундай кунларнинг бирида ул-тўрт қарилар йилгилиши, дам олгани Кибрай туманига чиқди.

Бир танишим бор, шункига киримиз. Ховлиси катта. Уйи ҳам нақ Бўзсув бўйига жойлашган. Шундоққина сувнинг устига уч-тўртта қароват ўрнатган. Ушлардан биттасини эгалласақ, кенгча мириқиб хордиқ чиқарамиз, — деди уфаларимиздан бири жой масаласида бош котирманлар деган мақсадда.

Белгиланган ҳовлига кириб бордик. Ўзбекона тақаллуфлардан сўнг, хонадон эгаси бизни канал бўйи томон бошлади.

— Мана шу қароватлардан ҳоҳлаганимизни танланг, ўшанга жой қилиб берамиз. Ана қозон, ана ўтин. Бемалол дам олаверинглар.

НИДЕРЛАНДИЯДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН ЕТАКЧИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН БИРИ — ВАГИНЕНГЕН УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ДАВОМИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

НИДЕРЛАНДИЯ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Тадбир Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси ва мазкур олий ўқув юрти маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Нидерландиянинг академик, жамоат ва иқтисодиёт доиралари вакиллари, шунингдек, Тошкент сув хўжалиги ва мелiorация институти (ТИМИ) ректори, профессор Т.Худойбердиев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси вакиллари иштирок этди.

Тақдимотда Ўзбекистоннинг 2006 йилги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти яқунлари, мустақиллик йилларида иқтисодиёт, ташқи савдон эркинлаштириш ва қулай сарможий муҳитни яратиш бора-бор қаратилди. Шунингдек, Нидерландия томонининг вакиллари ушбу мамлакат компаниялари учун қизиқиш уйғотаётган масалалар, хусусан, мамлакатимизнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги савдо-сарможий ҳамкорлик салоҳияти ҳақида атрафлича маълумотлар олишди.

Тадбир доирасида Вагиненген университети ҳамда Тошкент сув хўжалиги ва мелiorация институти ўртасида ҳамкорлик ҳақида меморандумни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур ҳужжат икки ўқув муассасаси ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни чуқурлаштириш, талаба ва ўқитувчилар алмашuvi, биргаликда тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун юқори маҳалали мутахассислар тайёрлаш соҳасида ўзаро тажриба алмашини назарда тутди.

Имзоланган Меморандумга

биноан томонлар магистрларни биргаликда тайёрлашда ва битирувчиларнинг дипломлари ўзаро тан олинади. Мазкур ҳужжатда магистрлар бир йил Тошкентда, иккинчи йили Вагиненген университетида таҳсил олишлари ўз аксини топган.

Меморандум имзоланиши муносабати билан Вагиненген университетининг ректори Мартин Кропфф «ҳар икки томон ҳам бугунги воқеага қадар узоқ тайёргарлик қурганини» таъкидлади.

— Бу ўзаро ҳамкорлик юзасидан ҳар икки олий ўқув юрти ўртасида олиб борилган узлуksиз музокараларнинг ҳосиласидир, — деди у. — Ўзбекистон таълим, илмий-тадқиқотлар олиб бориш, академик алмашинувлар ҳамда хорижий университетлар билан ҳамкорликда таълим ва илмий марказлар яратиш борасидаги халқаро алоқаларни ривожлантириш юзасидан ўз йўлини изчил амалга ошираётганидан далолатдир.

Вагиненген университети Сув ва иқлим масалалари бўйича тадқиқот марказининг директори, профессор В.Кодино утган йили Ўзбекистонда бўлгани чоғида юртимиздаги илм-фан соҳасида имкониятларидан фойда таъсирланганини қайд этди. «Ўзбекистон бу борада катта салоҳиятга эгадир, қадим замонлардан бунён ўзбек заминида жаҳон илм-фани ривожига бебаҳо ҳисса қўшган жуда кўп буюк олимлар яшаб ижод этганлар», деди нидерландиялик профессор.

А.МУҲАММАДЖОНОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Брюссель.

чиксангиз биласиз. Канал ёнгинасига қурилган дала ҳовлиларининг кўпчилиги хожатхонаси нишабини ҳам сувга тўғрилаб қўйишган. Ана ҳолос. Мен қўриб-кечириб ўтирганларим бу гапнинг олдида эҳсон экан.

Сув — оби ҳаёт деймиз. Унинг томчисини олгани тенглаштирамиз. Суви авайлаб-асраш, оқар суви ифлослантиса ҳақида соатлаб гапиримиз, лекин, кўпича баъзиларимиз бу сўзларга ағамал қилмаймиз. Сув — табиат томонидан инсонга берилган олий нозил. Шундай экан, нафақат уни тежаш, ҳатто нон каби уни муқаддас билиб ифлослантисамиз керак. Илло, ҳеч қачон қай биримиз билиб-билмай сувга ташлаган ахлатимиз, ўзгаларнинг тоза челагини ифлослантисамиз.

Ёшлиқни қадрланг

Наркоман сўзи қачон пайдо бўлганини билмайман аммо ҳар қандай соғлом кишини ўта ташвишга солувчи бу сўз тилга тушадиган бери қанча-қанча ёш оилалар бузилиб кетганини қўриб-билиб турибмиз. Қизиги шундаки, айниқса

бир-бирлари билан юз кўрмас бўлишди.

Бир донишманд «Авал сен дўстининг қимлигини айт, кейин мен сени қандайлигини айтман» деган экан. Айчларимиздан бири шикоят қилиб қолди.

— Тупна-тузук ўғлимиз ақиндан бери галати одат чиқарди. Уда овқатланмайди. Ҳар доим кўнча шошилгани-шошилган. «Мунча шошилмасанг, бирор юмушнинг қолиб кетганими», десак, «Оғайниларим билан дарс тайёрлайман», деб баҳона қилади. Кейин билсак, у уч-тўрт бемаъна уфаларга қўшилиб қолган экан. Улар биргаликда яради топмас жойга яшириниб олиб, бир-бирларини захри қотил билан сийлашар экан. Хайриятки, кетидан тушиб сезиб қолдик. Шунга ҳам ўғлимиз яради юртидан яшириб қолган асраб қўйган жамғаримизнинг анча-мунчасини совуриб, улғурибди, пайқамай қолганимиз. Дарҳол уни қўрда-қўймай шифоқорлар назоратига топширдик. Бир ой даволаниб, ақинда тавба-тазарру билан уйга қайтди.

Яхшиямки, бу танишимиз сезирлик қилиб балонинг олдини олибди. Аммо ота-онасидан яшириб, шу оғуни тотиб олиб, бетаъин уфалар билан оғиз-бурун ўпишиб юрганлар қанча. Уларнинг умрига, бе-

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Чакқон хонадон эгалари бир зумда ҳамма нарсани муҳайб этишди. Янги кўрпачалар тўшалиб, пар ёстиқлар қўйилган қароватдан жой олди. Бир пиёла чойдан сўнг қозон тағига ўт қўйиб хиз-бизни бошлаб юбордик.

Уфаларим орасида кексароғи мен бўлганим учун хизматдан холиман. Ёнбошлаб олганимча мажламин оқаётган сувга тикиламан. Баҳор айни ёмғир палласи бўлгани учун канал бўйлаб лойка сув оқлати. Баъзан сув юзидан оқиб келаётган турли чикиндилар кўзга ташланади. Кузатиб турсам, улар орасида елим идишлардан тортиб, эски-туски кийим-кечакларгача бор. Уларни қўриб ўзимча уйланаман. Ахир яқин-яқинларга тошкентликларнинг кўпчилик қисми шу сувдан ичарди. Уша вақтларда сув юзидан биронта хас-хус кўзига кўринмас эди.

Ахлат ёки чикиндилар ташлаш ҳамма учун бирдек гуноҳи азим, ҳатто сувга тулуриш ўтақатган маданиятсизлик саналарди. Энди-чи? Ахир ҳозирда ҳам шаҳарнинг Юнусобод тумани оралаб Учтепа туманидан ўтиб қишлоқ томон йўналиш олаётган бу сувдан ичадиганлар йўқми? Бор, албатта. Бизда «Сув етти думаласа тоза», деган гап бор. Лекин кўзга аққол қўришиб турган (майли кўринмасларини айтмай қўяйлик) чикиндилар етти думалаш ў ёқда турсин минг, миллион думалаганда ҳам йўқ бўлиб кетмайдиган кўринад.

Шундай жаёлларда турсам хонадон эгаларидан бири бир челақ ахлатни кўз ўнгимда сувга тўкиб юборди. Унинг қўлимиздан ранжиб, таажужланганимиз сегиз уй бекаси сўз қотди:

— Бир биз эмас, сув бўйидаги деврли ҳамма хонадонлар ахлатни сувга ташлашади. Сал юқорироқ

мазмун ўтган вақтига, шу оғу учун сарфлаётган бойликларининг елга со-вурлаётганига ачинасан киши. Энг ёмони навқирон ёшлиқнинг қадрига етмай, уни касалга алмашиниётгани қалбингни тирнаб яралайди.

Остида захри қотил яширинган «наркоман» сўзини ўзига эп билиб, унга эргашаётган ёшларга: «Кўзингизни каттароқ очинг, азизлар. Бу сўздан умр бўйи нари юринг. Унинг домига учманг, акс холда гулддек умрингизни ҳазон қиласиз. Ёшлиқ кишига бир марта берилса, унинг қадрига етин», — дегимиз келди.

ОЗ ИШЛА, СОЗ ИШЛА

Шошма-шошарлик биланг иш-лашдан ҳеч қандай фойда ҳосил бўлмайди. Қийин сонига эмас, сифатига диққат қилиш лозим. «Оз ишла, соз ишла» деган мақолни эшитганимда эскидан қолган бир ривоят жаълимга келаверади.

Кўнлардан бир куни бир мутақаббир ўргимчак айли қуртига:

— Мен сенга жуда ачинаман. Бир озгина ипак учун шошмасдан ишлаб, кўп вақт сарф этасан. Мана менга қара, тез-тез ишлаб, озгина вақт ичида бу деворнинг бошидан оёвигача тўр ураб битирдим. Менга ўхшаб шошиб-пишиб, тўр ўрасанг бўлмайди? — деди.

Ипак қурти унга:

— Тўғри, ишда суръат, меҳнатда тезлик керак, лекин сен сингари пала - партиш ишлашдан фойда қилмайди. Шунинг учун тўринг ҳеч қимматга эга эмас, мен шошмасдан меҳнат қилиб, тўқиган тўрим эса жуда қимматли тўр, деб жавоб берган экан.

Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳақора.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҲИКМАТЛАР

Ҳар кимса ҳар нарсани ўз вужуди доирасида туриб мушоҳада айлар.

Ҳақ бирор лашкарни ҳалок этишни истаса, унинг кўзига душманини ожиз кўрсатгай.

Киши ўз ҳоли ва сархушлигини жоҳиллардан пинҳон тутмоғи лозим.

Кимки мумсик, эй Худойи меҳрибон, Унга етказилг зийн узра зиён.

Аҳли гофил ҳосили гафлат эрур, Бас, уларнинг топгани ҳасрат эрур.

Танга бергай ул сахий, лойиқ киши, Жонни бахш этмок вале ошиқ киши.

Ҳақ учун нон берса кимса, нон келур, Ҳақ учун жон берса кимса, жон келур.

Қолмас эрса, эй сахий, илқингда мол, Лутфи Ҳақ бор, бўлмагайсан поймол.

Аҳли донишлар демишлар бегалат: Сен сахий, муҳсинга меҳмон бўл фақат.

Ўзи паст қандай баланд тутгай сени.

Эрта, дер йилларки ваъда айлабон, Айтгани ул эрта келмас ҳеч қачон.

Вақт керак очилма сирри одамай, Ошкор бўлгунча афзуну ками.

Кимки кўп ширин еса, аччиқ ўлар.

Ҳайдашар қўйларни саҳродан шитоб, Қайси семиз эрса, сўйгайлар шу тоб.

Сийнамизда не алам, ғамларки бор, Барчаси боду бухор, гарду губор.

Бизни ўргувчи ўроқ, олмосимиз — «Ундоғу бундоғ» деган васвосимиз.

Ранжу озорлар — ўлимнинг пардаси, От уни, иргит, топилса чораси.

Яхшидир жуфт эрса жуфтва ҳамсифат, Барча ишлар ҳал бўлур бомаслаҳат.

Ичганинг йўқ сен қаноат жомини, Сен қаноатнинг билурсен номини.

Хўжанинг айби кам эрмас, қатма-қат, Моли бирла айбини ёпгай фақат.

Тинглагувчи бўлса лоқайд, бемалол, Юз забон қолгай унинг олдида лол.

Зоҳиран эр сув каби голиб эрур, Ботинан хотинга ул мағлуб эрур.

Партави Ҳақдир аёл, маъшук эмас, Мисли холикдир аёл, махлуқ эмас.

Новда гарчи тешага этмас зиён, Теша ҳаргиз новдага бермас омон.

Қалбаки тилло туси тилло сифот, Ўтга тушса лек қорайгай шул захот.

Сен — мисоли тева, ақлинг — тевачи, Қай тарафга бошласа, етгай кучи.

Ул сомон остида дарёдир ниҳон, Сен оёқ босма, агар қилсанг гумон.

Хум суви дарё суви бирла туташ.

Янги руҳ топ эски ҳарфлар остида.

Бош ила жон ваҳмаси, дин ваҳмаси, Бир мислсиз имтиҳондир ҳақмаси.

Зоҳир аъмол ҳосили бир ўзгадир, Унда неки ёширин, этгай зухур.


Ҳар қачон кўпик кетур, дарё қолур.

Имтиҳонини имтиҳон қил.

Мисли шохсен гар етишсанг шохга сен. Иш ҳодан аслида ночорликдадир. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келатган ийрик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфраструктурасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.



ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
СТИР: 206849483
МҲО: 00423
Х/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ ҲИСОБЛАНМИШ МУСИҚИЙ СОЗЛАРИМИЗ ЎЗИНИНГ БЕТАҚРОРЛИГИ, НАҚШ БЕЗАГИНИНГ ЖОЗИБАДОРЛИГИ, ОВОЗ ТАРОВАТИНИНГ РАНГ-БАРАНГЛИГИ ВА ИЖРО ИМКОНИЯТЛАРИНИНГ БЕҚИЁСЛИГИ БИЛАН МУСИҚИЙ МАДАНИЙТИМИЗДА АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ.

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Миллий чолғу» илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси ҳамкорлигида Озода Тошматованин «Мусиқий чолғулар музейи каталоги» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

тарзи билан чамбарчас боғланиб кетганлигини алоҳида таъкидлади. «Мусиқий чолғулар музейи каталоги» деб номланган китоб уч тилда яъни ўзбек, рус, инглиз тилларида нашрга тайёрланди. — деди у. — Бу китоб билан ҳар қачан фахрланасан арзийди албатта. Шаҳсан ўзим барча мусиқачилар, устозлар номидан китобни тайёр ҳолига келгунча тер тўққан заҳматқашларимизга чин дилдан раҳмат дейман.

Шунингдек, кеңда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси ижро аппарати бўлим бошлиғи Ашираф Мухаммадиев, Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори Бокижон Раҳмонжонов, консерватория проректори Соибжон Бегматов, китобнинг яратилишига муносиб ҳиссасини қўшган малякали ўқитувчилар Ирина Галущенко, Зиёдулла Насуллаев,

ҳамда Х. Х. Ниёзий номидagi Республика мусиқа коллежи директори Ботир Матқубов янги нашр ҳақида ўзларининг илқ фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Китобнинг яратилишига муносиб ҳисса қўшган муаллиф Озода Тошматова эса, ушбу каталог турли шаклдаги нодир мусиқий созларнинг сақланиб келинаётганлиги билан музей томошабинларини, қолаверса, келгуси авлодни ота-боболаримиздан аспирантлар, буюк алломаларимиз таърифлаган, ўзлари ижро этган ва тақомиллаштирган мусиқий созлар, уларнинг турлари, яратилиш жараёни ва ривожланиш тарихидан бохабар бўладилар.

Тиллағол НОСИРОВА, маданият институти ўқитувчиси.

МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ ЧОЛҒУЛАРИМИЗ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти бошқарув аппаратида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларни ишга жалб этиш бўйича танлов эълон қилади. Ҳар ойда бажарган ишига қараб, ўртача 250-300 минг сўмгача ойлик маоши тўланади. Танловда қатнашиш учун қўйиладиган талаблар: — Олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши; — Компьютердаги мавжуд дастурларда мукамал ишлай оладиган ҳамда мустақил равишда дастурлар тузиш қобилиятига эга бўлиши; — Ўзбек, рус ва бошқа хорижий тилларни билиши керак.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. (Главпочтамт биноси). Мурожаат учун телефон: 137-49-51.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 22 май куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказилган очик аукцион савдоларига Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлинимаси томонидан 1632-34/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Муқимий кўчаси 43-уй манзилдаги АТ «Пахта банк» ҳовлисида сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 АХ 709 бўлган «НЕКСИЯ-ДОНС» русумли автотранспорт воситасини қўймоқда. Бошланғич баҳоси-9 536 200 сўм.

